

МУҲАММАДЖОН
ЖАКБАРОВ

КОМИЛ ИНСОН
ҒОЯСИНИНГ
ТАРИХИЙ-ФАЛСАФИЙ
НЕГИЗЛАРИ

(IX-XII асрлар)



**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат ва жамият қурилиши академияси
Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази
Республика миллий ғоя ва мафкура
илмий-амалий маркази**

МУҲАММАДЖОН ЖАКБАРОВ

**КОМИЛ ИНСОН ҒОЯСИНИНГ
ТАРИХИЙ-ФАЛСАФИЙ
НЕГИЗЛАРИ**

**“ТАФАККУР” нашриёти
Тошкент-2011**

УДК 1(091)(575)

Ж 19

Жакбаров Муҳаммаджон

Комил инсон ғоясининг тарихий-фалсафий негизлари. М.Жакбаров.
– Тошкент: Tafakkur, 2011. –256 б. –5000 экз.

ISBN 978-9943-372-38-2; Б.ц.

ББК 87.3

Масъул муҳаррир:

фалсафа фанлари доктори, профессор Ҳ.П.Ваҳидов

Тақризчилар:

фалсафа фанлари доктори, профессор Ҳ.А.Алиқулов;

фалсафа фанлари доктори, профессор Т.А.Жўраев;

тарих фанлари доктори, профессор А.С.Сагдуллаев

Комил инсон ғояси – ҳам миллий, ҳам умуминсоний моҳиятга эга бўлган, одамзотга хос энг юксак маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамолликни мужассам этган, уни ҳамиша эзгуликка ундайдиган олийжаноб ғоядир.

Комил инсон ғояси қадимиятдан халқимизнинг эзгу орзуси, миллий маънавиятимизнинг узвий бир қисми бўлиб келган. У ислом фалсафасидан озикланиб, янада кенгрок маъно-мазмун касб этган.

Комил инсон ҳақидаги юксак ғоялар Абу Наср Форобий, Имом Бухорий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино ва Алишер Навоий каби буюк мутафаккирларимизнинг асарларида, айниқса, ўзининг теран ифодасини топган.

Ушбу китобда муаллиф миллий-фалсафий меросимиздаги комил инсон ғоясининг тақомилига тарихий-фалсафий таҳлил йўли билан назар ташлашга интилиб, бу ҳақидаги ўз фикр-мулоҳазаларини баён этишга ҳаракат қилган.

Юртбошимизнинг Комил инсон муаммосига оид рисола ва асарларида билдирилган фикр ва ғоялари ушбу китобнинг назарий-услубий йўналишига асос қилиб олинган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси Илмий кенгашининг 2009 йил 28 майдаги қарори билан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-372-38-2

**М.Жакбаров. 2011 йил
“ТАФАККУР” нашриёти**

СЎЗБОШИ

Халқимиз жуда муҳим ва масъулиятли бир даврни бошидан кечирмоқда. Бу давр миллий уйғониш, миллий онгнинг тикланиши ва шаклланиши, миллатнинг ўзлигини англаши, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида янгича мезонлар ва тамойилларнинг ривожланиши билан боғлиқ жараёнларни ўз ичига олади. Мустақил давлатчилик асосларининг бунёд этилиши, том маънода янгича ижтимоий-иқтисодий ва маънавий кадриятларга асосланган давлатни шакллантиришда жаҳонга машҳур алломаларни, файласуфларни, дин, маданият, адабиёт ва санъат арбобларини етиштирган миллатимиз ўзининг буюк ўтмишига назар солмоқда, буюк аждодларнинг ибратли ишларидан сабоқ олишга, жаҳоннинг илғор мамлакат ва халқларининг ютуқларини ўрганишга интилоқда.

“Шу нуқтаи назардан қараганда, деб ёзади Юртбошимиз, заминимизда яшаб ўтган буюк алломаларимиз, мутафаккир боболаримизнинг ибратли ҳаёти ва фаолияти, бемисл илмий-ижодий кашфиётлари бугун ҳам жаҳон аҳлини ҳайратга солаётганини ғурур билан таъкидлаш лозим”.¹

Янгича тафаккурнинг шаклланишида, миллатнинг ўзлигини англашида маънавий ва маданий меросимизнинг, миллий кадриятларимизнинг ўрни ва роли муҳим аҳамиятга моликдир. Ўзбек маданиятини, жаҳон халқлари маданиятининг ривожланиш хусусиятларини чуқур билиш ёш давлатимизни маънавий жиҳатдан тиклаш соҳасидаги сиёсатининг асоси қилиб белгиланди. Ушбу вазифани ҳал этишда ўтмиш маънавий меросимизни тиклаб, умуминсоний кадриятларга асосланган дунёқарашимизни шакллантириш, маънавий кадриятларимизни бугунги ҳаётимизга татбиқ этишда муҳим аҳамиятга эга: «... Миллий тарихимиз ва умумбашарий тараққиёт ривожига унутилмас ҳисса қўшган олиму фузалоларнинг мафкура ва унинг жамият ҳаётидаги аҳамияти ҳақида қолдирган илмий мероси, фалсафий қарашларини ҳар томонлама ўрганиш даркор».²

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. 41-б.

² Каримов И.А. Миллий мафкура ҳақида. – Т.: Ўзбекистон, 2000. 56-бет.

Халкимизнинг ижтимоий-фалсафий меросида, унинг бутун маънавий ҳаётида инсонпарварлик ғояси ва кадриятлари доимо устувор ўринни эгаллаган, ваҳоланки янги тафаккурнинг шаклланиш, миллатимизнинг маънавий юксалиш ва ўзлигини англаш жараёнлари айниқса жадаллашган даврда улар алоҳида аҳамият ва долзарблик касб этади.

Президентимиз шу билан узвий боғланган яна бир устувор вазифани қуйидагича таърифлайдилар: “айни замонда шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган эркин, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялашимиз керак”.¹ Шулар ҳаммаси тадқиқот мавзусининг алоҳида долзарблигини белгилайди, чунки “ҳар томонлама ривожланган инсон” феномени ижтимоий-фалсафий фикр тарихида ўз аксини топган ижтимоий-маънавий идеаллар ва комил инсон муаммолари билан ворисона боғлиқдир.

Ушбу китобда IX-XII аср Мовароуннаҳр фалсафий тафаккур тараққиётидаги Комил инсон ғояси Шарқ Ренессанс маданияти ривожининг ўзига хос жиҳати эканлиги нуқтаи назаридан ёритилган. Унда “Шарқ Ренессанси” муаммосининг талқини, Мовароуннаҳр илк Уйғониш даври фалсафасининг таянч нуқталари бўлган хурфикрлилик ва инсонпарварлик ғоялари, йўналиш ва оқимлари таҳлил этилади.

Шунингдек, китобда Илк Уйғониш даври фалсафий фикридаги комил инсон ва фозил жамоа муаммоси талқинига алоҳида эътибор берилган. Комил инсон ғоясининг фалсафий асосларини кенгроқ ёритиш учун эса муаллиф комилликни Имом Бухорий талқинига, Абу Наср-Фаробий ижодидаги комил инсон фазилатлари муаммосига, Ибн Синонинг маънавий-ахлоқий таълимотига, Абу Райҳон Берунийнинг инсон феъли ва уни такомиллаштириш хусусидаги ғояларига, Юсуф Хос Ҳожибнинг сиёсий-этик қарашларига мурожаат қилади ва уларнинг кам ўрганилган асарларини таҳлил этиш орқали очиб беришга ҳаракат қилади.

Бу тадқиқот ўзининг кенг қамрови, манбавий маълумотларга бойлиги, фикр ва қарашларнинг тарихий ҳамда

¹ Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т.: Ўзбекистон, 1999. 17-18-б.

қиёсий фалсафий асосларга қурилганлиги билан эътиборни тортади.

Муаллифнинг ютуғи сифатида қуйидаги икки жиҳатни муҳим деб ҳисоблаш лозим. Биринчидан, асарда комил инсон – миллий ғоя сифатида унинг тарихий, фалсафий, маънавий ва диний-ахлоқий илдизлари ўрганилганлиги, иккинчидан, эса миллий ғояни ёшларимиз эътиқодига айлантириш йўл-йўриқлари, яъни муаммонинг бугунги кунимиз учун энг долзарб амалий жиҳатига устувор даражада эътибор қаратилганлигидир.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, ушбу китоб миллий ғоямизнинг фалсафий асослари ва тарихий илдизлари ҳақидаги тасаввуримизни янада кенгайтиришга ва таълим-тарбия жараёнида фойдаланиш имкониятларини оширишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

ИБОДУЛЛА ЭРГАШЕВ,
*Сиёсий фанлар доктори,
профессор*

КИРИШ

Халқимизнинг бой миллий анъаналари, кадриялари ватанимизнинг, Марказий Осиё халқларининг шонли тарихидаги энг ёрқин саҳифаларидан бири бўлган Шарқ Ренессанс даври билан узвий боғланган. Бу даврда вужудга келган илм-фан, санъат, адабиёт ва фалсафий фикрлар тараққиёти инсоният тафаккур хазинасига қўшилган катта ҳисса бўлиб, “уларда ифода этилган теран фикр ва ғоялар, ҳаёт фалсафаси бизни бугун ҳам ҳайратда қолдиришига яна бир қарра амин бўламиз”.¹

Илк ўрта аср даври ҳақида ўз замонасининг таниқли алломалари ва тарихчилари ёзган асарларида илм-фан ва маданий ривожланиш ҳақида бой манбаларни қолдирганлар.

Аждодларимизнинг дунёқарашини, уларнинг тафаккур услуби ва ахлокий идеалларини, давлатчилик ғояларини ўрганиш, ўтмиш маданиятимизнинг ўзига хос хусусиятларини билиш зарурати тобора ошиб бормоқда. Чунки, мустақиллик, миллатнинг уйғониши ва маънавий юксалиш бир-бири билан узвий равишда боғлиқ жараёнлардир. Истиклол миллатнинг қайта тикланишини, ўзлигини англашини тақозо этиш билан бирга, ҳар бир шахснинг ақл-идрокини, билимини, қобилиятини, фаоллигини ва баркамоллигини ҳам талаб қилади. Миллий давлатчилигимизни шакллантириш ва фуқаролар жамиятини қарор топтириш борасида ижтимоий фанлар соҳасида илмий изланишлар ва уларнинг натижаларига алоҳида эътибор бермаслик мумкин эмас.²

Бугунги кунда шонли тарихимиз руҳига монанд, чуқур ўрганишга, кенг тарғиб қилишга, юксак таҳсинга арзигулик фалсафий меросимиз Ғарбнинг машҳур мутафаккирлари томонидан аллақачон эътироф этилган. Мумтоз немис файласуфи Гегель Қуёш Шарқдан чиққани каби фалсафа ҳам даставвал шу заминда пайдо бўлган, деб тан олган эди.³

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. 31-б.

² Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. -Т.: Ўзбекистон, 1995. 54-б.

³ Қаранг. Жалолов А. Мустиқиллик масъулияти / Сиёсий, фалсафий қирралар / -Т., 1996. 242-б.

Бой маънавий меросимизга хос миллий ва умуминсоний кадриятлар ҳамда маданиятларнинг ўзаро алоқадорлиги ва таъсир жараёнларини чуқур, ҳар томонлама кенг ўрганиш жараёнида XX асрнинг иккинчи ярмида Шарқ Ренессанси муаммоси ўртага қўйилди. Марказий Осиё халқлари тарихида илк ўрта асрлар даврида юз берган маданий-маънавий юксалиш, тафаккурда янгиланиш Шарқ мамлакатларидаги ўзига хос Уйғониш даври эканлиги ҳақидаги ғоя қатор таниқли олимларимиз томонидан илгари сурилган эди. Чунки фалсафий фикр тарихида бизнинг буюк аждодларимиз томонидан яратилган кўпгина илм-фан дурдоналари мавжуд. Абу Наср Муҳаммад ал-Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Муҳаммад ат-Термизий, Абу Ҳомид ал-Ғаззолий, Баҳоуддин Нақшбанд, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий каби буюк алломалар ва маънавият султонларининг бой маънавий мероси шулар жумласидандир. Улардан бизга мерос бўлиб қолган нодир фалсафий ва маданий бойлик нафақат илмий жамоатчиликка етказилиши, балки бугунги миллий истиқлолимиз пойдеворини мустаҳкамлаш учун, хусусан миллатнинг ўзлигини англашида, ёш авлодни камол топтиришда хизмат қилиши жоиздир.¹ Илк ўрта асрлар даври мутафаккирлари ва алломаларининг ижтимоий, сиёсий, ахлоқий ва диний қарашларини объектив равишда ўрганиш мусулмон Шарқи, жумладан Марказий Осиё халқлари фалсафий фикр тараққиётига қўшилган муносиб ҳисса бўлиши мумкин. Ҳар бир миллатнинг маънавий бойлиги миллий ва умуминсоний кадриятларнинг бирлигидан ташкил топади. Уни тўла эгаллаш ва ривожлантириш эса ҳозирги кундаги муҳим вазифадир.

Ниҳоят, масаланинг долзарблиги яна шундаки, назаримизда ҳозирга қадар Шарқ Ренессанси муаммоси замонавий илмий жиҳатдан етарли даражада ишланмаган. Гарчи Шарқ Ренессанси муаммосига доир фикрлар илк бор Адам Мец, Альфред Курелла, Н.И.Конрад, В.В.Бартольд, И.С.Брагинский, И.Боролина, В.М.Жирмунский, И.Мўминов,

¹ Қаранг: Қаримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997. 151-б.

Ш.И.Нуцубидзе, М.Хайруллаев, И.М.Фильштинский каби катор адабиётшунос, шарқшунос ва файласуф олимларнинг илмий тадқиқотларида ўз ифодасини топган бўлса-да,¹ бу хусусда тадқиқотчиларнинг фикрлари, масалага бўлган турли ёндашувлари, «Шарқ Ренессанси» концепцияси талқини ва унга нисбатан қарашлар ҳозиргача тўла бир тизимга солинмаган ва яхлит ҳолатга келтирилмаган.

Академиклар Н.И.Конрад ва М.Хайруллаев ишларида Шарқ Ренессанси муаммоси концептуал ва назарий жиҳатлардан анча батафсил ёритилди. Уларнинг асарларида Шарқ Ренессанси тушунчасининг шартли эканлиги ва бу ходисанинг асосан Шарқ халқларининг муайян бир даврдаги маданий, илмий ва иқтисодий юксалишига доир қўлланилиши алоҳида қайд қилинади.

Марказий Осиё ҳамда Кавказ тарихида Уйғониш даври фалсафий ва ижтимоий фикрлар таракқиётида юз берган маънавий юксалиш, ҳурфикрлилик ва инсонпарварлик ғоялари Ж.Бернал, С.Н.Григорян, В.К.Чалоян, М.М.Хайруллаев, М.К.Орипов, З.Кулизода, Х.Алиқулов, А.Шарипов каби файласуф олимларнинг ишларида ёритилди.²

¹ Мец А. Мусульманский ренессанс. -Москва, 1973; Курелла А. Открытие великого поэта / Литература и искусство Узбекистана. - № 6, 1940; Конрад Н.И. Запад-Восток. - Москва, 1972; Бартольд В.В. Ученые мусульманского ренессанса. Соч. Т.VI. – М., 1966; Бартольд В.В. Мусульманский мир. Соч. - Т.VI. - Москва, 1966; Нуцубидзе Ш.И. Руставели и Восточный Ренессанс. Тбилиси, 1947; Брагинский И.С. Иранские миниатюры. - Москва, 1965; Боролина И., Никитина В.В., Паевская Е.В., Позднева Л.Д. О некоторых общих проблемах курса истории литератур Востока. - Москва, 1965; Жирмунский В.М. Алишер Навои и проблема Ренессанса в восточных литературах. - Москва, 1967; Идеи гуманизма в литературах Востока. - Москва, 1967; Фильштинский И.М. Арабская средневековая культура и литература. - Москва, 1978; Хайруллаев М.М. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири. - Т., 1971; Хайруллаев М.М. Фараби: эпоха и учение. - Т., 1975; Хайруллаев М.М. Абу Наср Фараби. - М., 1982; Ҳайитметов А.Навойнинг ижодий услуги масалалари. - Т., 1965 ва бошқалар.

² Дж. Бернал. Наука в истории общества. - Москва, 1956; Григорян С.Н. Из истории философии Средней Азии и Ирана. VII-XII вв. - Москва, 1960; Средневековая философия народов Ближнего и Среднего Востока. -Москва, 1966; Чалоян В.К. Армянский Ренессанс. -Москва, 1963; Восток-Запад. - Москва, 1968; Уйғониш даври ва мутафаккири. Маданий

Кўпгина тадқиқотчиларнинг илмий изланишларида «Шарк Ренессанси» тушунчаси тарихий ва маданий юксалиш маъносида талкин қилинади. Бу тушунча мазмунига кўра антик маданиятнинг тикланишини ва ўзининг узоқ асрлик маданий тарихига, бой ўтмиш тажрибасига эга бўлган барча халқларнинг тарихига хос бир маданият соҳасидаги юксалиш даврини ўз ичига олади.

Тадқиқотимиз давомида Шарк Ренессанси муаммосига доир илмий-назарий мулоҳазалар, турли ёндашувлар ва қарашларни ёритиш билан бирга, шу давр фалсафий фикр тараққиётидаги Комил инсон ғояси тарихий илдизларини, буюк мутафаккирларнинг ижтимоий идеаллари, ахлоқий қарашларини таҳлил қиламиз.

Илк ўрта асрлар даври алломалари ва мутафаккирлари ҳақида, уларнинг ҳаёти, ижодий фаолияти, фалсафий, диний, ахлоқий қарашлари хусусида бой маълумотлар ўрта асрларда ёзилган кўпгина манбаларда сақланиб, бизнинг давримизга қадар етиб келган. Абул Ҳасан Байҳақийнинг (вафоти 1169 йили) «Татимман ҳикма» («Умр ҳикматлари») номли асари шулар жумласидандир. Бу асарда IX-XII асрларда яшаб ижод қилган машҳур кишилар ҳақида маълумотлар мавжуд. Асар тадқиқотчи олим Калимуллох Хусайннинг шарҳи билан чоп этилган ва қисман инглиз тилига таржима қилинган.¹

Абу Наср Форобий, унинг замондошлари ва издошлари ўрта аср араб олими ал-Кифтий (вафоти 1248 йили)нинг «Олимлар ва донишмандлар ҳақида хабарлар» номли китобида баён қилинган ва шарҳланган.² Бу китобда Форобийнинг фалсафий дунёқараши алоҳида таҳлил қилинган ва алломанинг асарларига қисқача шарҳлар берилган.

Илк ўрта аср Шарк мутафаккирларининг ижодий фаолияти ва улар ёзиб қолдирган асарлар ҳақида маълумотлар XII-XIII

мерос ва фалсафий тафаккур. Хайруллаев М.Н. Ўрта Осиёда илк уйғониш даври маданияти. -Т.: Фан, 1995; Кулизаде З. Закономерности развития восточной философии XII-XVI вв. /Регион ислама/ проблема Запад и Восток. Баку, 1983; Орипов М.К. Алишер Навоий ижодида Ренессанс ғоялари. - Адабий мерос. № 2. 1971; Арипов М.К. Гуманизм Алишера Навои. -Т., 1991 ва бошқалар.

¹ «Islamic Culture»v. 34, 1960, №1p. 49-59; № 2. P. 77.89.

² Қаранг: Ал-Кифтий. «Ахбор ул уламо ва бил ахбарун ҳукамо». Қохира.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/1252> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/1252> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/1252>